9 ИЮЛЬ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

Milliy tiklanishdan–milliy yuksalish sari!

# BoysuN

2023-yil 26-iyun
№ 12 (6403)

Ijtimoiy - siyosiy gazeta

http://boysungazetasi.uz/

Gazeta 1932-yil 1-maydan chiqa boshlagan

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligining gazetasi

## 2023–YIL — INSONGA E'TIBOR VA SIFATLI TA'LIM YILI

## МЕНИНГ ТАНЛОВИМ ЮРТ РАВНАҚИ ВА ЭЛ ИҚБОЛИ УЧУН

***Мен мамлакатимизда кечаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий жараёнларни ҳар доим алоҳида эътибор билан кузатиб бораман. Аслида шу мамлакат фуқароси сифатида бу менинг бурчим ҳам. Бир давлатда яшаб туриб унда кечаётган жараёнлар, ислоҳотлар ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган ишларга эътибор қилмаслик, фуқаро сифатида муносабат билдирмаслик айни лоқайдликдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблайман.***

Яқиндагина янги таҳрирдаги Конституциямиз кучга кирди. Бу борада "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида"ги конституциявий қонунни қабул қилиш мақсадида умумхалқ референдумини ҳам ўтказдик. Бугун вақт ва замон шунчалик шиддатлики, кечаги талаблар доираси бугунги қўяётган қадамларимиз залворига торлик қилиб қоляпти. Инчунин, кечаги қонунлар ва тартиблар бугунги ҳаёт мезони ўлчовларига тўғри келмаяпти. Қонун деганинг шундай нарсаки, у ҳамиша замон зайли, шиддати билан ҳамқадам бўлиб турса жамиятга, инсонларга наф бериб туради. Худди шу талабдан келиб чиқиб, мамлакатимизда кейинги беш-олти йил ичида рўй бераётган ҳаётий ўзгаришлар, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислоҳотлар мавжуд қонунларимиз, ҳатто Бош Қомусимизни ҳам мукаммаллаштириш, замон шиддатига мослаштиришни талаб қила бошлади. Ва Президентимиз ташаббуси, раҳнамолигида биз ана шу меъёр ва талаблар доирасида сиёсий ислоҳотларимизни давом эттириб, амалдаги қонунларимизни янада сайқаллаштириш, янгиларини яратиш йўлини танладик.

Конституциядаги ҳар қандай ўзгариш ва янгиланишлар пировард натижада деярли барча қонун ва амалдаги меъёрий тартибларни янгиланган Қомусга мувофиқлаштиришни ҳам талаб қилади. Шу маънода муддатидан аввал Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш тўғрисидаги қарорни мен янгиланаётган Конституция талабидан келиб чиқувчи ҳаётий зарурат деб биламан.

Амалдаги тартибларга мувофиқ шу кунларда Сайлов кампаниясининг энг қизғин палласи — Президентликка номзодларнинг сайловчилар вакиллари билан учрашувлари бошланди. Барча сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар сайловчиларни ўз дастурлари билан таништириш жараёнлари қизғин ва баҳс-мунозаралар асосида ўтмоқда. Муҳими, ҳар бир номзоднинг сайловолди дастурида жонажон Ўзбекистонимизнинг эртанги куни, тақдири, ривожланган мамлакатлар қаторида юксалиши, аҳоли турмуш даражасини яхшиланишига олиб келувчи умидбахш лойиҳалар мавжуд.

Мен ҳам оддий фуқаро сифатида амалдаги конституциявий ҳуқуқларимдан фойдаланган ҳолда 9 июль куни ўзим танлаган номзод учун биринчилардан бўлиб овоз беришга чиқаман. Зотан, менинг танловим — бу Ўзбекистон аталмиш мамлакатим тақдири, халқимиз тинчлиги ва осойишталиги, давлатимиз равнақи учун ҳисса бўлишини англаб, шундай қарорга келганимнинг ўзи ҳам мен учун шараф.

**Покиза ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети ижтимоий-гуманитар фанлар ахборот технологиялари факультетининг 2-босқич талабаси.**

## ХАЙРУ БАРАКА ЁҒИЛГУВЧИ МУБОРАК КУН

***Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм.***

***Энг аввало, барчамизни тинчлик-осойишталикда, соғ-саломатликда шундай улуғ кунларга яна бир бор етказгани учун Аллоҳ таолога беадад шукрлар бўлсин.***

Бутун дунё мусулмон олами қаторида жаннатмакон юртимиз — Ўзбекистонда ҳам халқимиз, барча мўмин-мусулмонлар энг барокотли ва улуғ байрам — Қурбон ҳайитини нишонлаш бахтига мушарраф бўлиб турибмиз. Муқаддас динимизда бу кунни бою камбағал баробар хурсанд бўладиган кун дея таърифланади. Зеро, бу муборак кунда Аллоҳ таолонинг кўплаб хайру баракаси ер юзидаги бандалари бошига ёғилгай.

Аллоҳ таоло бизларни, муслим ва муслималарни Ҳайит намозини ўқишни, қурби етган кишиларни эса қурбонлик қилишини буюрган. Бу ҳақда Қуръони Каримда бир неча оятлар нозил бўлган. Хусусан, ояти каримада шундай баён қилинган: "Бас, Роббингиз учун намоз ўқинг ва қурбонлик қилинг" ("Кавсар" сураси, 2-оят).

Ушбу ояти каримани олимларимиз қурбонликнинг ваҳий эканлигига далолат қилади, деб тафсир қилишган.

Таъкидлаш жоизки, қурбонлик — бу махсус ҳайвонни махсус вақтда сўйишдир. Аммо Исломда унинг махсус тамойиллари ҳам қайд этилганки, қурбонлик келтирувчи ҳар бир мўмин инсон уларга амал қилиши лозимдир. Хусусан, қурбонлик учун сўйиладиган ҳайвонлар беш ёшга тўлган туя, икки ёшга тўлган қорамол ёки бир ёшга тўлган қўй ва эчки бўлиши талаб қилинади. Агар жуссаси бир ёша тўлган қўй жуссасидек бўлса, олти ойлик қўйни ҳам қурбонлик учун сўйиш мумкин. Қўй ва эчкини фақат бир киши қурбонлик қилади. Туя ва қора молни эса етти киши биргаликда қурбонликка сўйса бўлади. Икки кўзи ёки бир кўзи кўр, юролмайдиган даражада чўлоқ, озғин, қулоқ ва думи кесилган ҳайвонларни қурбонлик қилиб бўлмайди.

Қурбонлик гўштининг учдан бир қисмини оила аҳлига, ундан бирини қўни-қўшниларга, қолган қисмини муҳтожларга тарқатиш савобли амалдир. Ҳаммасини фақирларга берса ёки оилада кўпчилик бўлса уйда қолдирса ҳам жоиздир. Қурбонликка сўйилган молнинг терисини сотиш ёки қассобнинг ҳақига бериш жоиз эмас. Мабодо сотилса, пули камбағалларга эҳсон қилиниши керак.

Мўмин-мусулмонлар яна бир нарсани билишлари жоиз, яъни қурбонлик қилишдан мақсад банданинг Аллоҳ таоло амрига бўйсуниши ва тақвосини намоён этишдир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади. Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: "Ўзи тўқ бўла туриб, ён қўшниси оч бўлган киши камоли мўмин эмас" (Имом Аҳмад ривояти).

Демак, атрофимизда қурбонлик қилишга қодир бўлмаган қўни-қўшниларимиз, биродарларимиз аҳволидан хабар олиб, уларга қурбонлик гўштларидан улашиш иймонимизни янада мукаммал қилувчи омил экан. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда ушбу муборак байрамни катта тайёргарлик ва кўтаринки руҳда ўтказиш учун йилдан-йилга давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилиб, барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу ҳам бўлса, энг аввало, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик ҳамда исломий одатларимиз, миллий қадриятларимизни улуғлаш ва асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган бағрикенглик сиёсатининг натижасидир. Зотан, дунёвий ишларнинг бир маромда кетиши ва охират ишларининг мукаммал ва ҳаловат билан адо этилишида тинчлик ва хотиржамликнинг ўрни беқиёсдир.

Шу ўринда эсда тутиш керакки, ҳайит куни алоҳида хурсандчилик куни бўлиб, бу кунда азахонлик, йиғи-сиғи қилиш, хурсандчилик кунини мотамга айлантириш мусулмон умматига қайтарилган (ман этилган) ишлардандир. Бунинг ўрнига ҳайит кунида оилавий хурсандчилик қилиш, фарзанд-набиралар, кекса ота-оналарга совға-саломлар улашиш, яқинлар, дўстбиродарлар, камбағаллар, хасталар ҳолидан хабар олиш, уларни ҳам хурсанд қилиш энг мақбул амалдир.

Аллоҳ таоло ўз розилиги йўлида барчамизнинг холис ниятлар билан қиладиган қурбонликларимизни, ибодатларимизни ўз даргоҳида мақбул айласин.

**З.ЧОРИЕВ,**
**туман бош имом хатиби.**

## ЁШЛАР БИРДАМЛИГИ — МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ

**Жуда тўғри таъриф: —Янги Ўзбекистон дегани ўлкамизни яшартириш, янгилаш дегани.**

Зеро, ҳар бир соҳада пиру устозлардан мадад олиб, яшариш ва янгилаш шукуҳи билан фаолият кўрсатаётган минг-минглаб ёшларимизнинг шижоаткорона меҳнатига ҳамоҳанг бир вақтнинг ўзида юртимизни, жамиятни ривожлантириш учун билим даргоҳларида таълим олаётганларнинг қалбларидаги орзу-истаклар бугунги кунимиз билан уйғунлашиб бормоқда. Шу боис Бойсунда ўтаётган ҳар битта тадбир борки, ёшларимизнинг саъй-ҳаракатларидаги эзгу мақсадлар, келажак орзуларини намоён этишга қаратилмоқда. Бу "Янги Ўзбекистон ёшлари бирлашайлик!" шиори остида "Алпомиш" ўйингоҳидаги ёшлар сайлида ҳам яққол намоён бўлди.






Шаҳарнинг равон кўчалари бўйлаб шодиёналик билан мусиқий садолар остида қўлларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтарганча ёшларга хос ҳис-ҳаяжон, завқланиш хислатлари ила марказий ўйингоҳга кириб боришнинг ўзи кишига завқ-шавқ бағишлайди. Ёшлар сайли кечки оқшомда юзлаб неон чироқлари ёғдусида ҳамда минглаб йигит-қизларнинг байрамона ҳатти-ҳаракатлари билан янада файзли кечди. Қолаверса, туман ҳокими Боҳадир Шукуровнинг тилакларига ҳамоҳанг бир гуруҳ фаол ёшлар ва спортчиларнинг рағбатлантирилиши, санъаткорларимизнинг саҳнавий чиқишлари, ўйин-кулгу ва олқишларга уланиб кетди. Айниқса, республикамизнинг таниқли эстрада юлдузлари Севинч Исмоилова ҳамда Маҳлиё Омонлар ижро этган жўшқин куй-қўшиқлар оҳангида бойсунлик ёшлар бугунги уларга яратилган шарт-шароилардан бахтиёр эканликларини намойиш этдилар.

Ҳа, 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Бойсунда уюштирилган турли-туман тадбирлар ана шундай завқли, ёш йигит-қизларимизнинг фаоллигида ўтказилмоқда.

**Абдулфаттоҳ ҲУСАНОВ,**
**Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи.**

**Эъзоза ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Термиз Давлат университети филология факультети талабаси.**

## NOMZODLAR SAYLOVOLDI DASTURLARINING MUHIM YO`NALISHLARI

### O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASIDAN O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTLIGIGA NOMZOD

### ULUG'BEK ILYASOVICH INOYATOV

-iqtisodiyotda davlatning faol roli va ishtirokini saqlab qolish; xususiylashtirishning huquqiy asoslarini takomillashtirish, davlat mulki qiymatini aniqlash mexanizmlarini takomillashtirish;

-"Eng kam iste'mol xarajatlarini belgilash tartibi to`g`risida"gi Qonunni qabul qilish;

-er (xotin) vafot etganda, uning pensiyasini turmush o`rtog`ining pensiyasi bilan almashtirish imkoniyatini berish;

-tibbiy xizmatlarni raqamlashtirish, shifokorlar tomonidan dorilarni tayinlashda elektron resept tizimiga o`tish;

-"Ko`p kvartirali uylar va boshqa ko`chmas mulk ob'ektlarini ulush qo`shgan holda qurishda ishtirok etish to`g`risida"gi Qonunni қabul қilish;

-viloyat, tuman (shahar) sudlari raislarini har yili rotatsiya qilish amaliyotini kiritish;

-odil sudlovni amalga oshirishda hakamlar hay'ati institutini joriy qilish;

-tartibga solinmagan piyodalar o`tish yo`laklarini to`liq xatlovdan o`tkazib, svetaforlar bilan jihozlash bo`yicha dastur qabul qilish;

-ehtiyojmand fuqarolarga bepul maslahat beradigan yuridik klinikalar tarmog`ini rivojlantirish;

-farmasevtika sohasida davlat nazoratini kuchaytirish, yangi dori vositalarini sinovdan o`tkazish va ruxsat berish tartib-taomillarini Jahon sog`liqni saqlash tashkiloti talablari asosida takomillashtirish;

-"Dori-darmonlar va tibbiy vositalar narxlarini davlat tomonidan tartibga solish to`grisida"gi Qonunni qabul qilish.

### TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL- DEMOKRATIK PARTIYASIDAN O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTLIGIGA NOMZOD

### SHAVKAT MIROMONOVICH MIRZIYOYEV

-2030-yilgacha maktabgacha ta'limga bo`lgan ehtiyojni to`liq qoplash va qamrov darajasini 100 foizga yetkazish;

-"Yiliga 500 ming o`quvchi o`rni" dasturini amalga oshirish hamda chekka hududlarda bepul maktab avtobuslarini yo`lga qo`yish;

-120 ming nafar onkologiya, 350 ming nafar diabet, 1,5 million nafar yurak-qon tomir kasalligi bor bemorlarni davolash bilan to`liq qamrab olish;

har yili yurak nuqsoni bor 5 ming bolani va ko`rish qobiliyatini yo`qotish ehtimoli yuqori bo`lgan 10 ming chaqaloqni bepul davolash;

-mehnat qobiliyatini ishga solish orqali 3 million nafar yoshlarni kambag`allikdan chiqarish;

-keyingi 7 yilda qo`shimcha 1 million xonadonli uy-joylar qurish va bunga 15 milliard dollar yo`naltirish;

-2030-yilga qadar barcha aholi punktlarini toza ichimlik suvi bilan ta'minlash va bunga 2,5 milliard dollar ajratish;

-2030-yilgacha yalpi ichki mahsulot hajmini 2 barobar oshirib, 160 milliard dollarga yetkazish;

-2030-yilgacha 250 milliard dollar investitsiyalar jalb qilish bo`yicha aniq dasturlarni amalga oshirish;

-2030-yilgacha respublikada ko`kalamzorlashtirish darajasini 18 foizdan 30 foizga yetkazish;

-"Ochiq byudjet"ga yo`naltiriladigan mablag`larni 3 karra oshirib, 24 trillion so`mga yetkazish.

### O`ZBEKISTON "ADOLAT" SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASIDAN O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTLIGIGA NOMZOD

### ROBAXON ANVAROVNA MAXMUDOVA

-"Raqamli iqtisodiyotda aholi bandligini ta'minlash — 2030" dasturini ishlab chiqish;

-hududlar o`rtasidagi iqtisodiy bir xil o`sishni ta'minlash, barcha tuman va shaharlarni bir maromda rivojlantirish;

-"Ijtimoiy davlat — 2030" dasturini qabul qilish;

-"Aqlli tibbiyot" tizimining huquqiy asoslarini ishlab chiqib, sohaga zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etishni kengaytirish;

-nodavlat tibbiyot tashkilotlarini tijorat tashkilotidan notijorat tashkilotga o`tkazish;

-tadbirkorlarni kreditlash imtiyozli bo`lmasa, ularni maqsadsiz ishlatilgan deb javobgarlikka tortish amaliyotiga barham berish;

-Parlament faoliyatida tadbirkorlik subyektlari ishiga aralashmaslik, ularga oid masalalarni ijro organlaridan talab qilish;

-mahalliy Kengashlarga tuman (shahar) hokimlariga nisbatan ishonchsizlik bildirish huquqini berish.

### O`ZBEKISTON EKOLOGIK PARTIYASIDAN O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTLIGIGA NOMZOD

### ABDUSHUKUR XUDOYKULOVICH XAMZAYEV

-Pestitsidlardan foydalanishdan voz kechishga yo`naltirilgan "Yashil O`zbekiston — 2030" dasturini ishlab chiqish;

-tarmoqlar va hududlarning "yashil iqtisodiyotga o`tish indeksi"ni ishlab chiqish; aholi yashash punktlarida badbo`y hid chiqarayotgan, lokal oqova suv tozalash inshootlari bo`lmagan korxonalar faoliyatini belgilangan talablarga javob beradigan texnologiyalar joriy etilmaguncha to`xtatib turish tartibini kiritish;

-shaharlar bosh rejalarini tuzishda ularda yashil maydonlar kamida 30 foizni tashkil etishi talabini qonunchilikda belgilash;

-shaharsozlik faoliyatida jamoatchilik nazoratini kuchaytirish, noqonuniy qurilishlarning oldini olish;

-mamlakatda polietilen, poliamid tarkibli qadoqlash mahsulotlari, bir martalik ishlatiladigan plastik idishlardan foydalanishdan bosqichma-bosqich voz kechish;

-kamyob va yo`qolib ketish xavfi ostida turgan hayvonlarni ovlash va o`simlik turlarini tabiatdan ajratib olishga 10 yillik moratoriy e'lon qilish;

-ekologik qonunchilikni kodifikatsiyalash, Ekologiya, Suv, O`rmon kodekslarini qabul qilish;

-"Chiqindilar to`g`risida"gi Qonunni yangi tahrirda qabul qilish;

-qishloq xo`jaligi, sanoat va iqtisodiyot tarmoqlarida suvdan samarali foydalanish va uning mahsuldorligini oshirishga qaratilgan Milliy dasturni ishlab chiqish.

## МЕНИНГ БИРИНЧИ САЙЛОВИМ

Жорий йилнинг 9 июль кунида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини алоҳида ҳаяжон билан кутяпман. Билмадим, бошқаларда ҳам менинг ёшимда, агар сайловда илк овоз бериш тўғри келганда шундай бўлгандир, балки. Аммо менинг ҳаяжоним яна бир нарса билан боғлиқ: илк сайловда иштирок этишим талабалик давримга тўғри келяпти. Назаримда, талаба сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш ва овоз бериш ҳар доим ҳам ҳар кимга насиб этмайдиган камдан-кам ҳодиса.

Агар эътибор қиладиган бўлсак, мамлакатимизда олиб борилаётган оламшумул ислоҳотларнинг аксарият йўналишлари айнан ёшлар сиёсати билан боғлиқ. Бугунги ёшлар учун берилаётган имкониятлар, яратилаётган шароитлар кундан-кун кўз ўнгимизда юксалаётгани, яхшиланаётгани бунга мисол бўла олади. Мазкур эътирофларимнинг яна бир жонли, ишончли мисоли, шубҳасиз, ёшларни олийгоҳларга қамрови Ўзбекистон тарихида энг юқори даражага етгани менинг тенгдошларим замонига тўғри келгани ва бунга ўзим ва тенгдошларим гувоҳ бўлиб турганимиздир.

Ҳар қандай ислоҳот энг аввало аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ижтимоий муаммоларни босқичма-босқич бартараф этиб бориш мақсадида амалга оширилади. Шу жумладан, сиёсий ислоҳотлар замирида ҳам худди шундай умидбахш ниятлар, режалар мужассам деб биламан. Демак, навбатдан ташқари президентлик сайлови ҳам яқин келгусида янгиланган Конституциямизга мувофиқ давлат даражасида амалга оширилажак ислоҳотлар пойдеворини янада мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистоннинг янгича қиёфасини кашф этиш, янгича сиёсатни амалга оширишни мўлжаллаб ўтказилмоқда.

Шахсан ўзим илк маротаба Президент сайловида овоз берувчи сифатида иштирок этишим ва ўзим ишонган, ўзим танлаган номзод учун биринчилардан овоз беришни энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси менга берган ҳуқуқларимни кези келганда олий даражада бажариш, қолаверса, юртим равнақи ва келажаги олдидаги фуқаролик бурчимни адо этиш бахти деб биламан ҳамда тенгдошларимни ҳам бўлажак сайловда ҳамжиҳатлик билан иштирок этишларини истаб қоламан.

**Дилбар ҲАМРОҚУЛОВА,**
**Термиз Давлат университети ўзбек филалогияси факультети талабаси.**

# БЎЛАЖАК ҲОЖИЛАРГА ОҚ ЙЎЛ

***Туманимиз раҳбари Боҳадир Шукуров узоқ сафарга отланаётган бўлажак ҳожи она ва ҳожи оталарни муқаддас ҳаж зиёрати насиб қилгани билан табриклар экан, “Сиз бугун энг бахтли инсонлардансиз, мен бундан хурсандман дея уларга оқ йўл тилади.***

Ватандан узоқда муборак ҳаж зиёратида бўлишлик сиздек нияти пок инсонларга насиб этган экан, ҳаммани ҳам шу кунларга етказсин. Ой бориб, омон қайтинглар” деб айтганларига қўшимча туманнинг бош имом-хатиби Зариф Чориев ҳам уларга ҳаж амалларини бажариш тартиблари тўғрисида батафсил тушунча бериб ўтди. Эътиборлиси, улар турли ёшда. Агар авлодлик Рустам Умаров тўқсон ёшни қаршилаётган бўлса, Абдуҳафиз Очилов олтмиш, Фарҳод Аллаёров эса 44 ёшда. Улар қаторида ҳаж сафарига отланган Ҳожар Аллаёрова, Мома Ҳамидова, Мусаллам Ҳасанова сингари онахонлар ҳам яратилган имкониятлардан жуда мамнун.

Хуллас, пок ниятли 37 нафар фуқароларга дастурхон ёзилиб, улар ҳаж сафарига кузатилди.

**Даврон НАРЗУЛЛАЕВ, туман ҳокимлиги бош мутахассиси.**

# ҚОИДАБУЗАРНИНГ "ТАКЛИФИ"

**Қани эди, косонлик Исмоил Чориев(исм-шарифи ўзгартирилган)нинг таклифлари жўяли, ҳаммага фойда келтирадиган даражада бўлганда эди...**

Афсуски у баъмани одам бўлганида йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун уни тўхтатган бойсунлик йўл патрул хизмати сафарбарлик гуруҳи инспектори Акмал Комиловга “Нексия” автомашинасини жарима майдонидан чиқариб бериш, ишни ёпди-ёпди қилиш учун пора таклиф қилмаган бўларди.

Гап шундаки, Денов—Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган “Нексия” автомашинаси ҳайдовчисининг Бибиширин маҳалласига келганда тезликни оширганча, олд томондаги автоуловни ноқонуний равишда қувиб ўтиб, йўл ҳаракати қоидасини қўпол равишда бузгани “Акмал ГАИ”нинг эътиборидан четда қолмади. Инспектор машинани ҳам ҳужжатларсиз бошқариб келаётган, ҳам йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчига автоуловни жарима майдонига олиб киришни буюради. Орадан уч кун ўтса-да, ўтинчлар, илтимосларга қулоқ осмаган йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторига И.Чориев мўмайгина маблағ таклиф қилади. Бу эса инспекторга ёқмади —тегишли жойларга хабар қилди. Ва ниҳоят, ҳайдовчи Исмоил Чориев 1 миллион 500 минг сўмлик пора бераётган пайтда қўлга тушди. Мана сизга нодонлик — ўз жиноятини ёпаман деб иккинчисини келтириб чиқариш. Бу кимга фойда, кимга зарар?

Ушбу жиноят иши судда кўрилиб, пора эвазига пул берган И.Чориевга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима жазоси қўлланилди. Энди у бир ярим миллион эмас, 15 миллион сўм жарима тўлаши турган гап.

**Сардор ҚУРБОНОВ, департаментнинг туман бўлими бошлиғи.**

**Абдусамат АЗИЗОВ, Бойсун туман ИИБ ЙҲХГ инспектори.**

# ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ ТОҒЛИКЛАР ҲУЗУРИДА

**Халқни рози қилиш, ҳудудларда энг олис қишлоқ ва маҳаллаларгача аҳолининг муаммоларини холис ўрганиш ва уларни бартараф этишга амалий кўмак бериш, Президентимиз таъкидлаганларидек, бугуннинг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.**

Бу борада энг аввало раҳбарлар, депутатлардан алоҳида масъулият талаб қилинаётганлиги жойларда аҳоли муаммолари билан ишлаш, ҳатто олис ҳудудларда мақбул ижтимоий инфратузилмаларни яратишни тезлатишга муҳим замин яратаётир.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутати Ҳазратқул Хўжамқуловнинг Дуоба, Хўжайдод, Ўрмончи маҳаллаларига чиқишларида бирга ҳамроҳлик қилдим. Мазкур маҳаллаларга қарашли олис тоғ қишлоқлари туманимизнинг энг шароити оғир, ҳатто оддий инфратузилмалар ҳам мавжуд бўлмаган ҳудудлардан саналади. Кўп йиллик тажрибали педагог сифатида эътиборимни тортган жиҳати шуки, ушбу қишлоқлар аҳолиси ўз ҳаётларида биринчи марта Олий Мажлис депутати билан юзма-юз учрашиш шарафига эга бўлдилар. Тўғри, яқин икки-уч йил ичида бу ҳудудларда туман ҳокими, сектор раҳбарлари ва вазирлик идораларидан ташриф буюраётган мутасаддиларнинг эътибори, саъй-ҳаракати боис Дуобадан Алачапон, Хўжайдод-Деҳибологача бўлган энг олис қишлоқларга элтувчи йўллар равонлаша бошлади. Мактаб, мактабгача таълим, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган дастурлар, умидбахш лойиҳалар тадбиқ этиляпти. Шулар қаторида Олий Мажлис депутатининг ташрифи ҳамда барча қишлоқларимиз аҳоли вакиллари билан очиқ мулоқот қилиб, мавжуд муаммоларни жойида ўргангани тоғ халқи кўнглида Президентимиз олиб бораётган сиёсатга, ислоҳотларга нисбатан янада ишонч туйғуларини уйғотиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, депутат ташрифи тоғликларнинг бир қанча муаммоларига ечим топган амалий сафар сифатида ёдимизда қоладиган бўлди. Хусусан, Ўрмончи маҳалласи ҳудудидаги 50-умумтаълим мактабида синф хоналари етишмайди. Эртага эмас, бугун ҳал этилиши лозим бўлган муаммо бу. Чунки таълимда энди қишлоқларда ҳам шаҳарлардагидек сифат ва кўрсаткич талаб қилиняпти. Депутат ушбу муаммони таҳлил қилган ҳолда мактабга қўшимча 4 та синф хонаси қуриш бўйича таклифларимизни тегишли идораларга етказиш ва қисқа муддатларда ижроси учун ечим топишни ўз зиммасига олди. Тоғ қишлоқлари мактабларида ёш мутахассис ўқитувчилар, айниқса, хотин-қиз ўқитувчилар етишмаётганлигини алоҳида эътиборга олиб, ота-оналар ҳамда 18-мактаб маъмурияти билан келишган ҳолда икки нафар битирувчи қизларни олий таълим тизимида ўқитишни таклиф қилиб, буни амалга ошириш масъулиятини ҳам ўз зиммасига олди. Дарвоқе, малакали мутахассис етишмаслиги тиббий хизмат соҳасида ҳам тоғликларни узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган долзарб муаммо. Мутасаддилар ушбу муаммони бошқа ҳудудлардан (вилоятлардан) мутахассис жалб қилиш орқали юмшатишга ҳаракат қилиб ҳам кўришди, аммо олис йўл ва маоши камлиги уларни қисқа муддат ишлаб, ўз юртларига қайтишга мажбур қиляпти. Депутат ушбу муаммони ҳам республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда тоғ аҳолиси учун икки нафар битирувчи қизларни олий таълимга жалб қилиш учун квота ажратилишига амалий ёрдам кўрсатишини ўз сайловчиларига ваъда қилди. Шунингдек, Хўжайдод маҳалласи ҳудудидан ўтувчи тоғ дарёси қирғоғининг аҳолига хавф солиб турган бир томонини бетонлашга амалий ёрдам кўрсатиш учун депутатга ариза билан мурожаат қилиш таклифини берди.

Тоғлик аҳолининг Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутати Ҳазратқул Хўжамқуловдан миннатдор бўлган жиҳати шундаки, депутат аҳоли муаммолари, шикоят ва мурожаатларини қишлоқ оқсоқоллари ҳамда мутасадди раҳбарлар ҳамроҳлигида жойида кўриб, таҳлил қилган ҳолда уларга ечим топиш борасида хулоса беришга ҳаракат қилди. Бугунгача мазкур ҳудудларда йўл қурилиши, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш, электр энергияси ва суюлтирилган газ билан таъминлашни яхшилаш борасида туман ҳокимлиги ташаббуси билан бошланган лойиҳалар кўламини янада оширишга қаратилган муҳим таклифларни ўртага ташлаб, ҳар қандай соҳадаги муаммолар бўйича аҳоли мурожаатларини қабул қилишга тайёр эканлигини билдирдилар.

Бир сўз билан айтганда, Олий Мажлис депутатининг олис тоғликлар билан учрашуви ҳам аҳоли учун ҳам депутат Ҳ.Хўжамқуловнинг ўзи учун фойдали ташриф бўлди дейиш мумкин. Шахсан мен бу ташрифни муҳтарам Президентимизнинг ҳар бир раҳбар, ҳар бир депутат халқ ичига кириб бормас, уларнинг муаммоларини жойида ўрганмас, бартараф этишни одат қилмас экан биз кўзланган натижаларга эришолмаймиз ва халқимизни рози қила олмаймиз, деган фикрларига ҳамоҳанг амалий ташриф ва учрашув бўлди, дея ишонч билан айта оламан. Зотан, ушбу ташриф самара бериши, яқин муддатларда депутатимиз ҳамкорлиги билан биз тоғликларнинг муаммоларига ҳам ўзига хос ечим топилиши барчамизга ана шундай умид бахш этади.

**Рамазон АБДУЛЛАЕВ, туман Кенгаши депутати.**

# ҚАЧОНГАЧА?

**Яна алимент муаммоси — яна ота-онаси ҳаёту, аммо тирик етимга айланган фарзандларнинг тақдири. Мана, қўлимизда уч ёшга тўлгунга қадар моддий таъминот белгилаш бўйича судда кўрилган яна икки иш. Аммо қанчалик оғир юк бўлмасин биз уларни кўришга, ҳал этишга мажбурмиз.**

Ҳа, жорий йилнинг июнь ойи бошларида судда кўрилган иккита фуқаролик иши алимент ундириш билан билан якунланди. Ажралиш, турмуши бузилиш арафасида бўлган шўрсойлик Камол Бўриевга нисбатан (исми-шарифи ўзгартирилган) қизи Адолатнинг моддий таъминоти учун ойлик маошининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент тўлаш бўйича суднинг қарори эълон қилинди. Даъвогар Зилола Бўриева эса судга мурожаат этиб, жавобгар Шерали Шодиев билан бундан икки йил аввал қонуний равишда турмуш қургани, бир йил ўтиб ўғли туғилганлиги, айрим келишмовчиликлар туфайли алоҳида яшаб келаётганлиги, моддий жиҳатдан қийналиб қолгани, ҳеч қаерда ишламаётганини баён этиб, собиқ турмуш ўртоғидан боласи уч ёшга тўлгунга қадар моддий жиҳатдан таъминлаб туришини ва ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар алимент олишга қаратилган берган даъво аризаси ҳам қаноатлантирилди.

Айтиш мумкин, юқоридаги каби фуқаролик ишлари судлар учун кўриладиган одатий ишдек. Бироқ ажралишлар, тирик етим бўлиб қолган фарзандлар тақдири-чи? Уларнинг кейинги ҳаёти қандай кечади? Ажралишни истаган ҳар бир ота-она буни ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

**Лочин УСАРОВ, фуқаролик ишлари бўйича туман суди раиси.**

# ТАДБИРКОРЛИК ЭПЛАГАНГА ҲАЛОЛ

## АКС ҲОЛДА ЖИНОЯТ ЭШИГИ БИР ҚАДАМ

**Дарҳақиқат, тадбиркорлик аввало ҳалолликни, жўмардликни талаб қилади. Аксинча, бировнинг ҳақига хиёнат қилиб, бойиб кетаман деган хаёлда иш бошлаган сохта тадбиркор кун келиб, албатта, жиноят кўчасига кириб қолиши муқаррар.**

Ҳабибулло Алимов (исми ўзгартирилди) айни иккинчи тоифадаги “ишбилармонлар”дан чиқиб қолди. Ҳалол меҳнат қилиб сармоя топиш, бола-чақасига ҳалол луқма бериш ўрнига наинки бировнинг чўнтагига кўз тикди, балки давлатни ҳам алдаб, молиявий жиноятга қўл урди.

Президентимизнинг “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш истагида бўлган фуқароларга кредитлар ажратилаётганлигидан хабардор бўлган Ҳабибулло бир уринишда “таъминотчи тадбиркор”га айланди-қўйди. Банк муассасасидан турли йўналишда кредит олаётган фуқаролар ҳамда банк мутахассисларининг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, фалон-фалон ваъдаларни бериб, ўз имкониятларини овозаи достон қилди. Натижада Агробанк Бойсун филиали томонидан фуқаро У.Курбоновнинг номига паррандачиликни ривожлантириш учун ажратилган 28 миллион сўм, С.Каримовнинг номига ажратилган 24 миллион сўм, М.Раҳмонқулованинг номига ажратилган 10 миллион сўм, М.Абдурахмонованинг номига ажратилган 25 миллион сўм, шунингдек, фуқаро Т.Нормўминовага нонвойчиликни ривожлантириш учун ажратилган 24 миллион сўм, И.Абдуллаевага иссиқхона қуриш учун ажратилган 24 миллион сўмлик кредит маблағларини ўзининг “Азизбек Ислом Само” оилавий корхонаси ҳисоб рақамига ўтказади. Бироқ кейинчалик Ҳ.Алимов ўтказилган мақсадли кредитлар эвазига оилавий тадбиркорликни бошлаш ниятидаги фуқароларга тегишли хизматларни кўрсатиш ўрнига, ўтказилган кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан бутунлай талон-тарож қилиб, жиноятга қўл уради.

Тадбиркорликда ҳалоллик қолиб, қинғир йўлларни танлаган Ҳабибулло Алимов ўзганинг мулки ҳисобига узоққа бора олмаслигини англаб етгунича қилмишлари уни суд маҳкамасига етаклаб бўлганди. Тўғри, кейинчалик у тегишли идоралар аралашуви ва қонун устуворлиги боис етказилган зарарларни қоплашга ҳаракат қилди, аммо ўзининг ноқонуний ҳаракатлари учун аллақачон жиноятга қўл уриб бўлган ва амалдаги қонунларга кўра бу қилмишлари учун барибир жавоб беришга мажбур эди. Шу боис 2023 йилнинг 18 май кунида бўлиб ўтган жиноят ишлари бўйича Бойсун туман судининг очиқ суд мажлисида унинг қилмишлари муҳокама этилиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан қонуний чора кўрилди. Суд судланувчи М.Алимовга муқаддам судланмаганлиги, қилмишидан чин пушаймонлиги ва келтирган зарарларни қоплаганлигини эътиборга олиб, унга нисбатан 304 (уч юз тўрт) соат мажбурий жамоат ишларига жалб қилиш жазосини белгилади. Зотан, унинг қилмиши тадбиркорликни жиноят қуроли сифатида фойдаланишга уринувчи фуқароларга ибрат бўлади, деган умиддамиз.

**М.ҲАЙИТОВ, туман прокурори.**

**Ф.ИСМОИЛОВ, прокурор катта ёрдамчиси.**

# ТАНҚИДГА МУНОСАБАТ БЎЛМАСА...

**Бир замонлар матбуотдаги танқидий чиқишларга жиддий эътибор қаратиларди. Фельетон, танқидий мақола, луқма каби ҳар қандай кўринишдаги катта-кичик танқидий материаллар зудлик билан тегишли тартибда муҳокама этилиб, чора кўриларди. Бу, бир жиҳатдан матбуотнинг таъсирчанлик ролини оширишга хизмат қилса, иккинчи томондан жамиятда учраб турувчи муаммолар, камчилик ва нуқсонларнинг ўз вақтида бартараф этилишига хизмат қиларди. Қолаверса, оддий фуқаролардан тортиб, мансабдор раҳбарларгача бўлган қатламда танқидга холис муносабатда бўлиш масъулиятини ҳам шакллантирган.**

Жамоатчилик асосидаги фаолиятим ҳамиша (ҳозир ҳам) матбуот, газета билан боғлиқ бўлгани учунми энг аввало, “Бойсун” газетасида бериб борилаётган турфа мавзудаги материаллар билан мунтазам танишиб бораман. Айниқса, газетада чоп этилаётган танқидий мақолаларнинг кейинги тақдири, яъни уларнинг фуқаролар, биринчи навбатда раҳбарлар, хусусан, танқидда кўтарилган муаммолар бевосита тегишли бўлган раҳбарлар орасида нечоғли резонанс берганлиги билан қизиқиб бораман. Ушбу кузатишларимга ишонган ҳолда бемалол айтишим мумкинки, севимли “Бойсун” газетамизда чоп этилаётган танқидий чиқишларга муносабат деярли йўқ. Ишонч билан таъкидлаётганимнинг боиси шуки, кейинги икки-уч йил ичидаги газета тахламларини кўздан кечириб, мен “Бойсун” саҳифаларида бериб борилган мақолалардан ҳеч бўлмаса биттасига бўлса-да кўтарилган муаммо қайси бир тегишли идорада муҳокама этилиб, бартараф қилинганлиги тўғрисидаги расмий муносабатни топа олмадим.

Мазкур газетада чоп этилган сўнгги танқидий мақола тақдири билан фикримни яна бир бор тасдиқламоқчиман.

“Бойсун”нинг 2023 йил 27 апрелдаги 8-сонида чоп этилган “Автошоҳбекат кўргазма учунми?” номли танқидий мақолани ҳузур билан ўқидим. Мақолада бугун бойсунликларни қийнаб келаётган салмоқлигина муаммо қаламга олингани боис унинг кейинги тақдирини кузатдим. Ўйлаганимдек, ўша-ўша ҳаммом, ўша-ўша тешик тоғора. Орадан икки ойча вақт ўтганига қарамай газета ходимлари бонг урган муаммога қизиқиб қараган ҳеч бир шеримард раҳбар топилмаяпти. Ваҳоланки, муаммо шунчаки номигагина кўтарилмаган. Уни пайдо қилаётганларни “тийиб қўйиш”, тилга олинган тартибсизликларни бартараф этишга дахлдор кишилар масалага жиддийроқ қарашларига алоҳида урғу берилган.

Барчага маълум, шаҳримиз марказий кўчаларини кенгайтириш, тубдан реконструкция қилиш машаққатли иш эканлиги боис шаҳар марказидаги жуда кўплаб ташкилот, корхоналар, ижтимоий объектлар бир мунча кенгроқ ҳудудга кўчириляпти. Улар орасида “Бойсун” автошоҳбекати ҳам бор. Шаҳар кираверишидаги “Мустақиллик” маҳалласи ҳудудида барпо этилган ушбу кошона ишга туширилгач, шаҳар кўчаларидаги тирбандликлар анча бартараф этилиб, автобус ва такси хизматлари кўрсатиш яхшиланганди. Энг муҳими, мақолада таъкидланганидек, янги автошоҳбекатда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шундай бўлишига қарамай баъзи бир “учар” такси ҳайдовчилари “ташаббуси” билан (аслида солиқдан қочиш мақсадида) шаҳар кўчаларининг турли бурчакларида турли йўналишдаги ноқонуний такси майдонлари ташкил этилиб, аҳолига яна ноқулайликлар пайдо қилишяпти.

Бу каби бетартиблик, айниқса, шаҳримизга олис-яқиндан ташриф буюрувчи меҳмонларнинг ҳам қаттиқ эътирозларига сабаб бўлмоқда. Хулоса шуки, Бойсунда барча шарт-шароит муҳайё этилган автошоҳбекат мавжуд бўлгани ҳолда шаҳарлараро хизмат кўрсатувчи таксиларнинг деярли барчаси шаҳар марказига қайта кўчиб, яна тирбандлик ва аҳоли учун ноқулайлик пайдо қилаётгани Бойсун ва бойсунликлар учун ярашмаган ҳол.

Ўзбекистонда ҳар қандай кўринишдаги фаолият, тадбиркорлик, шу жумладан, аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш ҳам тегишли қонунлар билан тартибга солинган. Шундай экан, тегишли идоралар, хусусан, туман ички ишлар бўлими, солиқ идоралари, туман ҳокимлигининг тегишли масъуллари ҳамкорликда шаҳар кўчаларида аҳолига ноқулайлик туғдираётган шаҳарлараро қатновчи барча такси ҳайдовчиларни мажбурий тартибда (ҳа, албатта мажбурий тартибда: Қ.Р) Автошоҳбекат ҳудудига кўчирилишлари шарт. Токи шаҳар аҳолиси ва ташриф буюрувчи меҳмонлар учун автотранспорт хизматида қулай шароит яратишда улар ҳам масъул эканликларини унутмасинлар.

Шу ўринда ушбу муаммони жамоатчилик эътиборига ҳавола қилган “Бойсун” газетаси ижодкорларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Матбуотчиларимизнинг мавжуд муаммолар юзасидан бераётган бу каби танқидлари охир-оқибат эътиборсиз қолмайди, деган умиддамиз.

**Қобил РАШИДОВ, меҳнат фахрийси.**

# ЭРТА ТУҒРУҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК- ДАВР МУАММОСИ

**Яқинда хотин-қизлар мавзуида ўтказилган семинарда иштирок этиб, яхши таассуротлар билан қайтдим. Аслида, энг аввало тадбир учун танланган мавзунинг долзарблиги эътиборимни тортганди. Асосан мактаб психологлари иштирокида ташкил этилган семинарда хотин-қизлар ўртасида зўравонлик ва эрта туғруқнинг олдини олишга қаратилган бугуннинг энг долзарб муаммолари муҳокама этилди.**

Тан олиш керак, эрта туғруқ ва зўравонлик бугунги кунда энг кўп муҳокамаларга сабаб бўлаётган муаммолардан бири. Баъзи бир оилалардаги ҳали ҳам хотин-қизларга паст назар билан қараш кайфияти, қиз болаларни мактаб ёшидаёқ фақат оила ташвишлари билан кўмиб ташлаш, уларга мунтазам руҳий зўриқиш кўрсатиш, таълимдан ажратиб қўйишга ҳаракат қилиш, ота-оналар ўртасидаги келишмовчилик ва ажралишлар мазкур муаммоларнинг асосий омили саналмоқда.

Эрта туғруқ ҳолатлари асосан қиз болаларнинг вояга етмаган даврида содир бўладиган ҳодиса ва бу ҳолат рўй берадиган вақтнинг 90 фоизи қиз болаларнинг ўқувчилик даврига тўғри келади. Муаммонинг мана шу жиҳати эътиборга олиниб, семинар давомида мактаб психологларининг айнан руҳиятида ўзгариш содир бўлган ёки оилавий шароити оғир, оилада ажралишлар бўлган ўқувчи-қизлар билан ишлаш, бунда “мактаб—маҳалла—ота-она” принципи доирасида тезкор тадбирлар қўллаш усуллари хусусида тажрибалари ўрганилди ва бу борада уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари муҳокама этилди.

Тадбир давомида вояга етмаган қизлар ўртасида эрта туғруқнинг олдини олиш профилактикаси фақат қиз болалар ўртасида олиб борилмаслиги ҳам алоҳида муҳокама мавзуига айланди. Эксперт-педагоглар, ота-оналар ва психологлар ўртасида кечган мунозарада эрта туғруқнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ўғил ва қиз болалар орасида ёши улуғ кишилар, психолог мутахассислар, ИИБ ходимлари иштирокида ташкил этилиши мақсадга мувофиқлигига эътибор қаратилди. Шунингдек, юқори синф ўқувчилари орасида ишқий муносабатларни олдини олиш, бу борада вояга етмаган йигит-қизларга тақиқловчи оҳангда эмас, ҳаётий мисоллар тарзида психологик маслаҳатлар, йўналишлар бериш тартибида тушунтиришлар олиб бориш яхшироқ самара бериши таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда эрта туғруқнинг ўсмир қизларнинг кейинги ҳаётига кўрсатувчи салбий оқибатларини оила ва мактабларда тарғиб қилишнинг аҳамияти ҳам қизғин муҳокама этилди. Жумладан, эрта туғруқ пайтида она ва бола ўлими даражасининг юқорилиги, баъзан туғруқ жараёнидаги оғир оқибатлар натижасида туғилажак болаларнинг умрбод ногирон бўлиб қолиши ёхуд аёлнинг умрбод фарзандсиз қолиши хавфи жуда юқори бўлишини тарғиб қилиш эрта туғруқнинг олдини олишга қаратилган профилактик ишларнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлишлигига алоҳида урғу берилди. Шунингдек, оила қуриш учун энг муқим ёш — қиз болалар учун 20-22, йигитлар учун 24-26 ёш эканлиги ва бу ёшда қиз болалар ҳам ўғил болалар ҳам жисмонан ва руҳан оила қуришга ҳар жиҳатдан тайёр бўлиши мумкинлиги ҳар бир оила, ҳар бир ота-она тушуниб етишлари учун маҳалла ва оилаларда ушбу мавзуда кенг профилактик ишлар олиб бориш муҳим омил бўлишига эътибор қаратилди.

Семинар давомида аёлларга нисбатан рўй бераётган зўравонлик ҳаракатлари энг аввало, маърифий-маънавий муҳит шаклланмаган, эркакни аёл ва аёлнинг эркак олдидаги бурчи, оилада эркак ва аёлнинг ўрни, жамиятда мавжуд бўлган эркак-аёл муносабатидаги асосий тамойил — гендер тенглигидан бехабар инсонлар ўртасида, иккинчи томондан аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмасликлари боис рўй бераётгани масаласи ҳам алоҳида муҳокама мавзуига айланиб, бу борада психолог-педагоглар ва экспертлар таклифлари таҳлил қилинди.

**Дилбар ЙЎЛДОШЕВА, ижодкор ўқитувчи.**

**Нуржамол ПОЁНОВА, 6-умумий ўрта таълим мактабининг психологи.**

# 27 июнь – матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

# БИЗНИНГ АКА ШАФО

## ЁХУД ГАЗЕТА ТАҲРИРИЯТИДА БИР КУН ИШЛАМАЙ ҲАМ “ЎЗИМИЗНИНГ” ХОДИМГА АЙЛАНГАН ИНСОН ҲАҚИДА ИЛИҚ ҚАЙДЛАР

***Одатда Шафо акага “ака Шафо” дея мурожаат қилишга ўрганиб қолгандик. Ҳозир ҳам шундай. Гарчанд Шафо ака билан бақамти ишлаган даврларни биздан қарийб ўттиз йилча масофа айириб турган бўлса-да биз учун у киши ҳозир ҳам “Ака Шафо!”. Кўча-кўйда учрашган ёки таҳририят, янги босмадан чиққан газетанинг ўзига хос ёқимли ҳидини соғиниб, дийдорлашишга келган чоғлари албатта шу тарзда алоҳида тавозе билан кутиб оламиз.***

—Ай, қадирдонларим, ман сизларни соғиниб бир келдим-дее, — дея ўзига хос чиройли шевада гап бошлайдилар биз билган ўша хушчақчақлик билан. — Ҳай, нима бўлганда ҳам биз энди бегонаде, а? Локин-да сизларни унутиб бўлмайди-де. Сафимиз ҳам камайди. Устоз Очил ака қане, Исмат акаю Собир Ёдик қане? Исроил ҳам кетди чин дунёга. Хайрулло Султон бир олам эди. Ўзимдек улфатчиликни ёқтирарди. Ишни ҳам “улфатичор”ликни ҳам ўлдирарди-де ўзиям. О-о-о, айниқса Чорбоғда Хайрулложон билан яхши дамларни, чиройли гурунгларни ўтказганмизде. Улфатни ҳам, журналистни ҳам зўри эди, раҳматлик... Жўрабек-чи, Жўрабек! Ман яхши кўрган, ҳурмат қилган шоир эди-да. Афсус, ёш кетди... Локин, шоирлигига қойил қолганман. Охирати обод бўлсин. Қандай чиройли шеърлар, китоблар қолди ўзидан...

Аслида, Шафо ака Аъзамов газета таҳририятида бир кун ҳам ишламаганлар. Собиқ Иттифоқ даврида туман газеталари ва босмахона бир бинода жойлашгани боис нафақат оддий газетхон, ҳатто биз ўзимиз — таҳририят ва босмахона ходимлари ҳам фаолият доираси бошқа-бошқа бўлса-да, бир мақсад йўлидаги ишимиз юзасидан ўзимизни бир жамоа аъзолари деб ҳисоблаганмиз. Шафо ака эса босмахона ҳисобчиси вазифасида эдилар. Аммо газета ижодий ходимлари учун ака Шафо “ўзимизники” эдилар. Негаки, ҳар кунлик иш соатларини таҳририят эшигини тақиллатишдан бошлаш у кишининг одатлари эди: “Ассаломалеейкум, қадирдонлар. Бахайр, ишни яхши бошлаб олдиларингме? Қоғоздан, рангдан муаммо йўқме? (У замонлар газетани босмадан чиқариш учун зарур бўлган аксарият воситалар босмахона зиммасида эди. — Д.О) Давронжон, укам, кечаги сондаги фельетон зўр чиқибди-да. Эзибсиз укажон, эзибсиз. Локин-да, шундай қилиш керак, укағарларди. Халқ мулкига кўз олайтирганларди элга овоза қилеб, мана шундай шармандасини чиқориш керак, ука...”

Шу тарзда кун узоғи ака Шафонинг ёқимли шевадаги шарҳлари-ю, ўзига хос латифа гурунгларидан баҳраманд бўлиб турардик.

Бекорга эмас ахир, ака Шафо “ўзимизни” — газетани одами-да.




Шафо акани шахсан мен ҳурмат қилган жиҳатларидан бири — ҳар доим босмадан чиққан газетанинг (у замонларда туман газетаси кунора чоп этиларди. — Д.О) илк сонини олиб, иш бўлмасида, бир пиёла кўк чой устида “а” дан “я” гача ўқиб, таҳлил қилиб чиқишлари эди.

Эсимда, навбатдаги сон босмадан чиққан куни “яп-янги” газетадан бир нусха олиб, шу жойда, босмахонанинг ўзида Рустам ака Абдуллаев билан биргалашиб ўқиб, муҳокама қилдик. (Рустам ака босмахона ходими, оддий ишчи бўлсалар-да, адабиётдан, айниқса, шарқ шеъриятидан яхшигина хабардор эдилар, раҳматлик. — Д.О). Суҳбат узоқ чўзилгани боис, кундуз ўнларда хонамга кўтарилдим. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас бўлма эшиги чертилиб, Шафо ака майинлик билан: “Давронжон, бир дақиқага хонамга ўтсангиз, гап бор”, дедилар.

Стол устида ҳозиргина ўқиб чиққаним газетанинг янги сони Шафо аканинг рафторидан билдимки, аллақачон ўқилган, ҳатто баъзи саҳифалардаги материалларнинг сарлавҳасига қизил қалам билан белги қўйилган.

Кутилмаганда Шафо ака бурчакдаги сейфдан бир шиша “Денов”ни олиб стол устига қўйдилар. Жимгина икки пиёлага “қултиллатиб” қуйиб бирини мен томон суриб қўйдилар.

—Қани ука, навбатдаги сон муваффақиятли чиққанлиги учун олайлик.

Ўша пайтлар муҳаррир ўринбосариман. Бош муҳаррир, устозимиз Очил Пардаев меҳнат таътилида бўлгани боис таҳририятнинг иши учун балогардон мен. Масъулиятим ҳам шунга яраша.

—Биласиз, иш вақтида ичмайман, сизга эса бафуржа, — дейман “масъулият”ни эслатиб.

—Иби, мани билмайди деб ўйлайсизме. Тўғри, ичмайсиз, аммо бугун ман учун “промох” қиласизде энди. Мана, газета чиқди. Келгуси сонгача (ваҳоланки, эртага янги сонга тараддуд бошланади) Худо пошшо-да, ука. Лекин ман билан бир қўл оласиз. Сабаби-ки, бугун мани туғилган куним. Кўнглимдан бир ният ўтди-де. Шуни оламизде, қолганини Чорбоғда “майдалаймиз”, гурунг устида.

Хуллас, Шафо акани юзидан ўтолмай “масъулият”ни бир чеккага суришга тўғри келди. Бир пиёла май устида янги сонни ўзимизча муҳокама қилдик. Айниқса, Шафо ака қизил қалам урган сарлавҳадаги мақола, фельетонларни қойилмақом шарҳлаганларига “эриб”, беихтиёр яна бир-бирдан чўқиштирдик.

Келишганимиздек, асосий суҳбатни кечки салқинда Чорбоғда, икковлон тор доирада ўтказиб, туғилган кунни нишонлаган бўлдик...

Орадан ўттиз йилдан кўп вақт ўтган бўлса-да, Шафо ака Аъзамов билан “борди-келди”миз узилган эмас. Одатда, аксарият ҳолларда у киши билан кўча-кўй, давраларда кўришамиз. Гурунг, суҳбат ва хотиралар эса ўша-ўша, самимий, ёрқин ва эслашга арзигулик. Ҳар гал у киши билан гурунглашганимда олис ўтмишни, “Бойсун” газетаси таҳририятининг энг довруқли, энг гавжум дамлари кўз олдимга келаверади. Шафо ака худди ўзлари бутун меҳнат фаолиятларини газета таҳририятида ўтказган ходимдек бугун биз билмаган, кўрмаган, танимаган собиқ ижодкор-ходимлар, собиқ муҳаррирлар ҳақида қизиқарли суҳбатлар, янги гаплар беришдан чарчамайдилар.

—Турди Атоев, Нурулло Муродов каби зўр муҳаррирлар ўтди-да. Худо ёрлақаган инсонлар эди улар. Газетачиликни ҳақиқий фидойи одамлари эди-де, ўзиям. Норбиби момо-чи? Тўрт йиллик маълумоти билан ҳар бир ҳарфдан доналаб саҳифа терар, тузатардилар, раҳматлик. Эслаб туриш керак укам, уларни, эслаш керак. “Бойсун” газетасининг қарийб бир асрлик тарихида уларнинг хизмати, меҳнати катта бўлгон-да. Ҳозир улар каби чин фидойи одамларни кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмаймиз...

Шафо аканинг шу қаблдаги суҳбатларини эшитиб, баъзан беихтиёр у кишининг ўзлари ҳақида ҳам ўйлаб қоламан. Назаримда, фидоийлик бобида, айниқса, таъкидлаганимдек, бир кун бўлса-да, газета таҳририятида ишлаган бўлмасалар-да, “Бойсун” учун жон куйдирган, кези келганда қўлидан келган кўмакни аямаган, ҳатто бугун ҳам “Бойсун” газетасининг номи, шони ва шарафини ўйлаб бот-бот таҳририятимизга ташриф буюришни канда қилмайдиган, бизни унутмаган инсонни ҳам газетамиз тарихидан жой олган фидойи инсонлар қаторида туришга ҳақли деб ўйлайман. Ахир у киши ҳақиқатан ҳам ўзимизнинг қадрдон Шафо ака- Шафо да!

**Даврон ОРИФ.**

## ЎЗБЕКИСТОН

*Жаҳон харитасининг ранги минг бор алмашди,*
*Тарих мундарижасин керак жойлари куйган.*
*Қай замонда аждодим орият деб талашди,*
*Шунда у қадаган туғ — ерни тўхтатиб қўйган.*
*Юлдузларни музлатган заминдан сачраган қон,*
*Ўзи пайдо бўлганмас биз суйган Ўзбекистон!*

*Ер сўфийдир, ер марддир — ҳаммасини айтмайди,*
*Тинглаб, англаб олмоққа гоҳ сабримиз етмайди.*
*Отангга ўхшар Ватан, сен ундан тўрагансан,*
*Кечирар, кек сақламас, шунингдек, унутмайди.*
*Лочиннинг тухумидан бойқуш чиқмас ҳеч қачон,*
*Ўзи пайдо бўлганмас биз билган Ўзбекистон!*

*Тақдир тақозосини адолат узра қурган,*
*Ер остига олтинлар ернинг устидан борган.*
*Бобомнинг орзулари армонларга айлангач,*
*Шул армон ганжга дўниб, насибамни жамғарган.*
*Бир жилғамда ўн тўрт минг кўзи очиқ қатағон,*
*Уларнинг нидосидир заҳматкаш Ўзбекистон.*

*Ҳа, ернинг остидадир тиллоларим, зарларим,*
*Тарбиячи пирларим, ушлаб турган зўрларим.*
*Тағин шунда ботиндир, шу Ватан остидадир,*
*Пешонаси торларим, пешонаси шўрларим.*
*Бул тупроқни сев, болам, тавоф қилгин ҳар қачон,*
*Бу оддий тупроқ эмас — табаррук Ўзбекистон.*

*Оламон эмас, халқ бўл, дея битмиш шоирлар,*
*Элининг бахтин кўрса — руҳлари шод ётирлар.*
*Улуғ тоғларга қара — юракларинг улғайсин,*
*Отаси ботир бўлмай туғилмас баҳодирлар.*
*Орзу ҳам суяк сурар, умидинг бўлсин омон,*
*Шу халқнинг орзусидир безавол Ўзбекистон!*

*Кошки, шу шеърим билан аждод руҳин шодладим,*
*Хотираси панд берган замонларни ёдладим.*
*Шом қирғоғида эдим, тонг соҳили кўринди,*
*Бу тун кулдим, йиғладим, қувониблар додладим.*
*Қандай ширин ухлайсан, болам, кўзинг оч, уйғон,*
*Сени йўргаклаётир оппоқ тонг — Ўзбекистон!*

*Ватан, меҳрингни узма, меҳрингдан тўймагунча,*
*Кимлигинг билмас эдим, фарзандни суймагунча.*
*“Она тупроқ” дейишни бир оқшомда ўргандим,*
*Бунча азиз эмасдинг, онамни қўймагунча.*
*Кун сайин томирларим ботиб боргувчи бўстон,*
*Шундай бино бўлгандир она юрт — Ўзбекистон!*

***Шодмонқул САЛОМ.***
***“Дўстлик” ордени соҳиби.***

# НАМОЗОВНИНГ "ИККИНЧИ ҲАЁТИ"

***Бугун орамизда йўқ, бир умр хотирага айланган инсоннинг иккинчи ҳаёти ижод намуналари, шогирдлари, фарзандларининг нигоҳларида кечаётгани ҳам, менимча бир бахт. Ҳа шундай, бундай кишилар ҳамиша барҳаёт — дилларда мангу яшайди. Кўпларнинг устози, ижодкор ва таржимон Фатҳулла Намозов вафот этганига икки йил ўтган бўлса-да, ҳали ҳам кўнгил сўрашлар, эслаш, хотирлаш давом этмоқда.***

Аввало умрларининг сўнгги дамларигача ёшларга таълим-тарбия беришдек масъулиятни ҳис эта билган Фатҳулла Намозов ва турмуш ўртоғи Истода Тоғаеваларнинг фарзандлари, уларга яқин бўлган инсонлар ва шогирдларига минг раҳмат. Бошланишида 150 саҳифадан иборат улар тўғрисидаги хотира китоби тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Эҳтимол, эр-хотин зиёлиларнинг ҳаёти, фаолияти тўрт девонга сиғмас. Эҳ-ҳе, биргина домланинг таржима асарлари, матбуотда турли мавзулардаги чиқишларнинг ўзи бир неча китоб. Ҳали ҳам Фатҳулла Намозовнинг ўнлаб таржима асарлари, муаллифлик асарлари ўқувчилар қўлида. Узоққа бормайлик, “Мўмин Мирзо қисмати”, “Тўй-фарз, фотиҳа-қарз”, “Амир Темурнинг Бойсундаги қадамжолари” сингари мақолаларига ҳамоҳанг Жек Лондон, Жорж Сименон, Агата Кристи, Пауло Каело, Жеймс Жейз, Марио Пьюзо, Василий Шукшин сингари хориж адибларининг асарларини ўзбек тилига ўгиришнинг ўзи бўлмайди. Ҳали айтганимиздек, у умрининг охиригача ёшларга тарбия беришдек масъулият билан яшади. Ўқитувчи, мактаб директори, ҳатто бир неча йил халқ таълими бўлимини бошқарди.

Шаҳримиздаги “Шаршара” ресторанида устоз хотирасига ўтказилган тадбирда унинг устозларидан тортиб, синфдошлари, курсдошлари, шогирдлари иштирок этдилар. Диллардаги хотиралар тилларга кўчди. Туман ҳокими Боҳадир Шукуров, домла билан бир сафда фаолият юритган Хоним Тошбоев, Собир Тошбоев, Абдулатиф Норқулов, Очил Тошқулов, Абдуқодир Суюнов, Саида Насруллаева, Дилбар Йўлдошева, Раҳматулло Шоймардонов, Нормаҳмат Саидов, республика маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раиси Наргиза Раҳматуллаева, вилоят Кенгаши депутати Дилбар Сувонова, курсдолари Абдулла Холмирзаев, Парда Исмоилов, шогирди — “Бойсун” газетаси бош муҳаррири Даврон Орипов ва бошқалар домла билан боғлиқ ёрқин хотираларни эслаб, мана шундай савоб ишга бош қўшган фарзандлари тўғрисида фахрланиб сўзладилар.



Дарҳақиқат, сўзга чиққанларнинг кўпчилиги хусусан унинг курсдошлари ва ҳамкасблари Фатҳулла Намозов ҳамда Истода Тоғаеваларнинг мумтоз адабиётда энг суйган шоирлари Алишер Навоий достонларида мадҳ этилган қаҳрамонлар, хусусан Фарходу Ширин, Лайли ва Мажнун мисол ҳаёт кечирганлари ва бу муҳаббатнинг ўзига хос тарихи борлигини алоҳида меҳр билан эсладилар. Мана шундай бетакрор муҳаббат борлиги учун ҳам самарқандлик Истода опа бойликни эмас, маънавиятли ва маърифатли, оддийгина ўктам йигитни деб Бойсун келинига айланган бўлса не ажаб. Ана шу тотли муҳаббат мевалари Сайфулло, Анвар, Акмал, Мухтор, Даврон ва Шахло қизимиз ҳозир ота-оналарининг ҳаёт давомчиларига айланганлар. Зеро, хотира китобида улар томонидан битилган кечмишлар мазмуни ҳам шунга бориб тақалади. Бундан ташқари, бугун ҳаёт қувончлари ва ташвишлари билан яшаётган юзлаб, минглаб шогирдлари Фатҳулла ака ҳамда Истода опани устоз сифатида қалбларининг энг тўрида жойлаганлар. Инсондан нима қолади — гўё иккинчи ҳаётга қиёс боғ ва унинг мевалари...

**Эшдавлат ТОШБОЕВ,**
**“Нуроний” жамғармаси туман бўлими раиси, туман ҳокими маслаҳатчиси.**

**Парда НАЗАРОВ,**
**“Бойсун” газетаси мухбири.**

# ЯНГИЛАНАЁТГАН БИЛИМ ДАРГОҲИМИЗ

**Дарбандликлар ҳамиша фахрланиб юрадиган бир жиҳат бор, туманимиздаги биринчи мактаб шу ҳудудда ташкил этилган.**

Аммо бир вақнинг ўзида ўзбек адабиётига муносиб ҳисса қўшган, Абдулла Қаҳҳордан сўнг энг яхши ҳикоянавис номига сазовор марҳум Шукур Холмирзаев, ҳозир ҳам ижод майдонида баракали меҳнат қилаётган Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Эркин Аъзамов, Ўзбекистон Халқ шоири Усмон Азимовлар таълим олган бизнинг мактаб жамоасининг ҳам фахрланиши улардан кам эмас. Қолаверса, билим даргоҳимизни битирган илк қалдирғочлар вакили бўлмиш марҳум устоз Очил Пардаев, бойсунлик ёзувчи Исмат Норбоев, Олим Тошбоев, Жўрабек Рамазоновлар ҳамда бошқа касб эгалари ҳам таълим-тарбияни шу мактабда олганлар.

Эҳтимол, уларнинг кўплари 1-мактабнинг шаҳардаги эски биносида таълим олишгандир. 1977 йилда эса билим даргоҳимизнинг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилганлигига ҳам қарийб ярим аср тўлай деб қолибди. Дарҳақиқат, янги мактаб кошонасининг 46 йиллик фаолияти эътиборга арзигулик. Замонавий мактаб — кенг ва ёруғ хоналарда таълим олганлар бугун халқ хизматида. Олиму фузалолар, ёзувчи-ижодкор ва эл саломатлиги йўлида хизмат қилаётган шифокорлик касбларини эгаллаганлар туғилиб ўсган юрт — Бойсунга келсалар, албатта, мактабни зиёрат қиладилар.

Йиллар йилларни ортда қолдиркан. Ўша замонавий кошона ҳам бугун таъмирталаб. Жорий йилнинг январь ойида билим даргоҳимизга ташриф буюрган вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов мактабнинг бугунги аҳволини кўриб, тубдан қайта таъмирлаш ва етарлича маблағ ажратиб бериш таклифи билан чиқди. Мана шундан буён бойсунлик қурувчилар билим даргоҳини қайта таъмирлаш, эшик-деразаларни янгилаш, фаоллар, спорт зали ва ошхонани қайта қуриш, чордоқни тартибга келтириш, бино деворларига замонавий зеб бериш ишлари билан банд. Бунинг учун 3 миллиард 800 миллион сўм маблағ ажратилган. Аммо амалда бажариладиган иш 7 миллиард сўмдан ортиқ.

Биз ўқитувчилар эса бир томондан хурсандмиз — уйинг янги бўлса, дилинг ҳам равшан бўларкан. Ҳаёт эса давом этади. Янги мактаб кошонасида янгича руҳ, янгича услуб билан ишлаш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир.

**Шерзод ҚУЛМАМАТОВ,**
**1-умумий ўрта таълим мактабининг маънавий ишлар бўйича директор ўринбосари.**

3-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси халқ таълими фахрийси
**Норбой УМАРОВ**
нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бойсун туман камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш бўлими меҳнат жамоаси Дарбанд маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммадин Шайдамовга падари бузруквори
**Аббос ота** ҳамда акаси
**Камолиддин ШАЙДАМОВ**
ларнинг вафот этганлиги сабабли чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Дарбанд маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда “Питов” фермер хўжалиги жамоаси фермер хўжалиги бошлиғи Анвар Кенжаевга укаси
**Абдужаббор КЕНЖАЕВ**
нинг бевақт вафот этганлиги сабабли чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Бойсун туман Давлат Солиқ инспекцияси жамоаси туман ДСИ бошлиғи Баҳриддин Акрамовга падари бузруквори
**Барака ота**
нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOYSUN

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR
Davron ORIPOV

NAVBATCHI:
Parda NAZAROV.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

*Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
*Indeks: 64622*
*Bahosi kelishilgan narxda.*

ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17 00
Topshirildi - 16 00
***Adadi : 2320***
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas`ul

(t) - tijorat materiali.

*Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.*
*Qo`lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.*
*«BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko`chirib bosish muharriryat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.*

**Gazeta oyiga ikki marta o`zbek va tojik tillarida chop etiladi.**

TAHRIRIYAT MANZILI:
190401, Boysun, Zartepa ko`chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
***e-mail: boysun@umail.uz***

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta “Surxon tongi”va “Zarya Surxana” gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil:Termiz shahri Shukrona ko`chasi 19-A uy.